

“ТЕМУРШУНОСЛИК” ФАНИДА АМИР ТЕМУРНИНГ ЖАҲОН
ТАМАДДУНИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ МАСАЛАЛАРИ

Муқимов Зиядулло

Проф. Шароф Раидов нрмидаги Самарқанд Давлат Университети Юридик
факультети

Мазмуни: Ушбу мақола буюк соҳибқирон тугилган йилининг 686 йиллигига бағишланган бўлиб, унда жаҳон “Темурушunosлик” фани, Амир Темурнинг дин ва давлат, шариат ва қонунчилик, давлатни бошқариш, ҳарбий ғалабалар, уларнинг аҳамияти ва салоҳияти ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: “Темурушunosлик”, тамаддун, адолатли бошқариш, Темурийлар ренессанси, ҳарбий ғалабалар, дин ва давлат, тузуклар.

Аннотация: В данной статье освещается становление в мире науки «Темуроведение» а также деятельности, вклады Великого полководца, государственного деятеля Амира Темура в развитие мировой цивилизации в области государственного управления и законности, военные победы, их значение и оценка его деятельности учеными зарубежных стран.

Ключевые слова: «Темуроведение», цивилизация, справедливое управление, ренессанс Темуридов, уложение, военные победы, государство и религия.

Annotation: This article is dedicated to the 686th anniversary of the birth of the great Sahibkiran, which tells about the world science of “Temurology”, religion and state of Amir Temur, Sharia and law, government, military victories, their significance and potential.

Keywords: “Temurology”, tamaddun, just rule, Timurid Renaissance, military victories, religion and the state, structures.

Мустақиллик йилларида Республикамиз халқлари ва ҳукумати буюк бобомизнинг мустақиллик, давлатчилик, илм-фан ва маданиятимизни ривожлантириш борасидаги фаолиятини тадқиқ этиш унинг хотирасини абадийлаштириш, шахс ва ҳукмдор, буюк давлат арбоби ҳамда саркардалик борасидаги хизматларини очиб бериш, унинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида катта ишлар амалга оширилди. Кўплаб тарихий манбалар ўзбек тилига таржима қилиниб, ҳужжатларни топиш, тўплаш, ўрганиш ҳамда нашр этиш борасида кенг илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Давлатчилигимиз тарихида чуқур из қолдирган Амир Темур ва Темурийлар сулоласи тарихига қизиқиш ҳеч пасайган эмас.

«Темурнинг тузуми Мовароуннаҳр учун ҳеч шубҳасиз, энг дабдабали давр бўлиб, Турк халқи учун шундайин зиё бердики, баъзи қавмлар, эллар ҳозиргача ундан ҳарорат оладилар» - деган эди буюк Венгер олими Ҳерман Вамбери.1

Амир Темурнинг давлатчилик ва аскарбошилиқ фаолияти жаҳон илмий жамоатчилиги томонидан ҳам атрофлича ўрганилиб келинмоқда. Ҳозирда Ватанимиз ва 50 дан ошиқ чет эл мамлакатларида, икки мингдан ошиқ турли йўналишлардаги китоблар, хат-ёзишмалар, шунингдек бошқа манбалар араб, форс, турк, ҳинд, урду,

инглиз, француз, рус, немис ва бошқа тилларда ёзилган асарлар манбалар очилиб, тадқиқ этилиб нашр этилган, янада нашр этилмоқда. Жаҳон тарихининг алоҳида йўналиши сифатида «Темуршунослик» фани тобора шаклланиб бормоқда, Темуршунос олимлар плеядаси қарор топди. Жумладан кейинги йиллардаги тадқиқотчилардан Англияда Хилда Хукхэм, Канадада Лиза Гломбек, Францияда Люсьен Керен, Фредерик Брессанд, Рене Груссе, Жан Пол Руи; Америкада Беатрис Мени, Жастин Мароцци, Шарқ олимларидан Муҳаммад Амин Шайху, Мазҳар Шихоб ва бошқа яна ўнлаб олимлар шулар жумласидандир.

Ватанимизда ҳам “Соҳибқирон сиймосидан биринчи бўлиб қора пардани кўтариб ташлаган” жасоратли олим акад. Иброҳим Мўминов (1968-69 й.) шунингдек акад. Бурибой Аҳмедов, Алихон Тўра Соғуний, акад. Ҳайдарбек Бобобеков, А.Аҳмедов, Т.Файзиев ва бошқалар бошлаб берган «Темуршунослик» фани тобора ривожланиб янгидан-янги асарлар яратилмоқда. Жумладан, кейинги йилларда А. Зиёнинг «Ўзбек давлатчилиги тарихи» (Т., Шарқ 2001), «З.М.Бобур энциклопедияси» (Т., Шарқ 2014), Муҳаммад Алининг 4 жилддан иборат “Улуғ салтанат” номли тарихий романлари, Поён Равшанов «Амир Темур сулоласи» (Т., Янги аср авлоди. 2014 й.), Люсьен керен ва Акмал Саидовнинг «Амир Темур ва Франция» (Т., Адолат 2016), Жумабой Раҳимовнинг «Адолат ва Қудрат тимсоли» (Т., Ўқитувчи 2017), Самарқандлик тарихчи олимларимиздан Т.Ш.Шириновнинг «Тарихимиз этюдлари» (Т., Шарқ 2014), А. Бердимуродовнинг «Самарқанд тарихидан томчилар» (Т., Маънавият 2015), Нарзулла Аҳмедов, Ш. Аҳадов, А. Ураловларнинг қатор асарлари, З. Муқимовнинг «Амир Темур ва Темурийлар давлати ва ҳуқуқи» (Т., Навруз 2020) ва бошқа яна ўнлаб монография ва рисоалар, мақолалар нашр этилди ва этилмоқда.

Амир Темур асос солган буюк давлат ўзининг турли босқичларида ҳам Турон, ҳам Хуросон, ҳамда Эрон ва Ҳиндистонда адолат меъёрларига асосланган тузум сифатида олам аҳлининг диққатини ўзига тортиб. бугунга қадар ўз тарихий аҳамиятини йўқотмай келмоқда. Темуршунос олим Т. Файзиевнинг маълумотларига кўра Темурийлар сулоласининг рўйхати 193 нафар шахзода ва 300 дан ортиқ маликалардан иборат бўлиб жами 488 йил жумладан Мовароуннаҳрда 1501 йилгача; Хуросонда 1507 йилгача; Ҳиндистонда эса 1526 йилдан 1858 йилгача ҳукумронлик қилган. Тарихда бу каби узоқ яшаган сулоалар жуда кам бўлган.

«Темурга тенг келадиганлар кам топилди, ундан ўтадиганлар эса топилмаса керак, - деган эди француз этнолог олими Жан Пол Руи, - унинг номи Искандар, Доро, Цезар, Чингизхон, Бонапартлар билан ёнма-ён туради». Темур инсоният тарихининг буюк сиймоларидандир, шунинг учун ҳам Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихидагина эмас Жаҳон тарихида XIV-XV асрлар алоҳида ўрин тутади.

Сиёсий тарқоқлик ва ўзаро низоларга барҳам бериб, бутун инсоният томонидан тан олинадиган қадриятлар асосида марказлашган қудратли давлат тузиш ҳамда уни «адолат ва инсоф билан бошқариш» орқали жаҳон халқлари тарихи ва тамаддунига улкан ҳисса қўшдики, уни халқаро жамоатчилик ҳамон тан олиб келмоқда.

Унинг бу борадаги фаолиятига қисқача қуйидагиларни киритишимиз мумкин:



1.У Марказий Осиё, Хуросон, Эрон ва Афғонистон халқларини юз эллик йил давом этган мўғул босқинчилари зулмидан озод қилиши билан, Марказий Осиёда Турк-Ислон давлати ва тамаддунинг юксалишига асос солди.

2.Ўзининг Олтин Ўрдага-Урусхон ва Тўхтамишхонларга қарши юришларда қўлга киритган бир неча ғалабалари билан Россиянинг ҳам мўғуллар истибдодидан қутилишига ҳамда узил-кесил Москва атрофида Рус давлатининг ташкил топишига ёрдам берди. Чунки Амир Темур томонидан тор-мор этилган Олтин Ўрда узоқ вақтгача ўзини ўнглаб олмай Москва князлигига хавф сола олаолмай, қолди - деб ёзган эди машҳур Рус тарихчиси М.С.Соловьёв (1820-1879).

3.У катта миқёсдаги ҳукмдор сифатида савдо-сотиқнинг фойдали эканлигини жуда ҳам тушуниб «дунё савдоси йўлларида ҳукмронлик қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди, Ғарб ва Шарқни боғлаб турувчи халқаро «Буюк ипак йўли» ни қайта тиклаб уни қўриқлаб ривожлантирди.

4.Унинг Боязид қўшинлари устидан қозонган ғалабаси туфайли Христианлар оламини сақлаб қолди. Усманийларнинг Анқара жангида мағлуб бўлишлари Византиянинг яна ярим аср эркин нафас олишига (Ренс Груссе (1885-1952) имкон берди. Ўз замонасининг етук давлат арбоби сифатида ўз мамлакати худуди орқали Европа ва Осиё ўртасида ўзаро иқтисодий ва савдо ҳамда маданий алоқа муносабатларини боғлаш учун хизмат қиладиган мустаҳкам кўприк яратди.

5.Мовароуннаҳрнинг шон-шуҳратини дунёга танитди. Хунармандчилик, деҳқончиликни, савдони, илму-фан, меъморчилик, санъат ва маданиятни мислсиз даражада ривожлантирди. Яъни Темурийлар Ренесанси – Уйғониш даврига асос солиб бу билан Шарқ уйғониш даврининг иккинчи босқичига асос солинди. Самарқанд, Ҳирот йирик илмий марказларга айланди. Шу даврларда етишиб чиққан даҳо олим ва давлат арбоблари Алишер Навоий, Ҳусайин Бойқаро ҳамда Заҳириддин Муҳаммад Бобурларнинг жаҳон тамаддунига қўшган ҳиссалари ўзбек ва жаҳон тарихида атрофлича ўрганилиб баҳо берилган. Жумладан, «Алишер Навоий туркий тил қудратини баралла намойиш эта олган, бу халқларнинг ижодиёти, анъаналари билан форсий шеърият анъаналарини кўшиб туркий адабиётни кенг башарий тарих сахнасига олиб чиққан шоирдир», - деб баҳо берган эди проф. Н.Комилов.2 Ҳусайин Бойқаро даврида туркий-чиғатой тилининг обрўси юксалиб девон тилига айланди. Мирзо Улуғбекнинг ҳукмронлик йилларида мамлакатда обсерватория барпо этилиб астрономик жадваллар ишлаб чиқилди. Улардан XVII аср дастлабки инглиз астрономлари кенг фойдаландилар. Ҳирот шаҳри хаттотлик ва ажойиб миниатюрачилар маркази ва мактабларига айланди. Шу даврда яна бошқа буюк аллома ва шоирлар ҳам борки, улар фаолияти ҳали камроқ ёритилган. Жумладан, Шоҳруҳнинг ўғли Форс ва Луристон ҳукмдори Иброҳим Султон (1304-1435) даврида Алишер Навоий давригача – XIV аср охири ва XV аср биринчи ярмида яшаган ўзбек шоири Ҳофиз Хоразмийнинг 37.264 мисрадан ошиқ ўзбек тилидаги девони бизгача етиб келган ҳамда ҳозирда нашр этилган.3

Отаси Шоҳруҳ Мирзонинг Вазири, Хуросон ҳукмдори бўлган Ғиёсиддин Бойсунғур Мирзо (1397-1433), 1423-25 йилларда «Шоҳнома» асарининг бир



неча нухаларини солиштириб миниатюралар билан беабу унинг танқидий матнини яратган. Бу асар «Шоҳномаи Бойсунғурий» деб аталиб ҳозирда Техрон давлат музейида сақланмоқда. Шунингдек, юксак даражада хаттотлик санъатини эгаллаган Бойсунғур Мирзо ўз қўли билан кўчирган «то 1640 йилгача, яъни Нодиршоҳ босқинига қадар бобоси Амир Темурнинг қабр тоши устида турган, кейинчалик Эронга олиб кетилган, Бойсунғур Қуръони» ҳам бўлган. Унинг тарихчиси Ҳофиз Абру эса «Мажма ут – Таворихи Султония» номли тўрт жилддан иборат, тўртинчи жилди эса Бойсунғур Мирзо тарихига бағишланиб «Зубдат ут таворихи Бойсунғурий»-Бойсунғурга бағишланган тарихлар қаймоғи деб аталувчи асарлар яратилган.

6.Инсоният тараққиётида давлатчилик тизимини юқори поғонага кўтарди, янги қонунлар ва тартиб-қоидаларни жорий этди. Тузуқларда билдирилган қуйидаги фикрлар қонунчилик ва давлат бошқаруви борасида ҳозир ҳам ўзининг долзарблигини йўқотмаган.

«Ўз тажрибамдан билдимки, давлат агар дину (ойин) тартиб асосида қурулмас, тўра-тузуққа боғланмас экан, ундай салтанатнинг шукуҳи, кудрати ва тартиби йўқолади. Бундай салтанат яланғоч одамга ўхшайдики, кўрган ҳар кимса (ундан) нигоҳини олиб қочади. Ёхуд ҳар хил қаланғи-қасанғи одамлар тап тортмай кириб чиқадиган томсиз, эшиги тўсиғи йўқ уйга ўхшайди».4

Ушбуларнинг исботи сифатида Испан сайёҳи Руи Гонсалес Клавихонинг қуйидаги сўзларини келтириш мумкин: «Самарқанд шаҳрида қонунчиликка риоя қилинади, бирор киши, бошқа бирор кишини хафа қилмайди. Ёки Бекнинг, синьорнинг кўрсатмасисиз бирор кишига зўрлик ишлатилмайди» Яъни ҳуқуқий ҳаётни тартибга олиш мустаҳкам йўлга қўйилганлигини таъкидламоқда.5

“Шамшир зарби билан йигирма етти подшонинг тахтини эгалладим ... ва подшоҳ бўлиб ҳукм сурдим” дейилади тузуқларда (иккинчи китоб 5 тузуқ).

7.Соҳибқирон ҳарбий санъатни мукаммаллаштирди. Унинг ҳарбий истеъдоди «Икки соҳада, қўшин ташкилотчиси ва аскарбоши сарқарда сифатида намоён бўлди. «Унда Искандарнинг ва Кушан подшоси Канишқанинг руҳи намоён бўлди»,-деганди бу ҳақда акад. Н. И. Конрад. Шунингдек «Темурбекнинг жаҳонда энг қудратли ҳукмдорлардан экани унинг биринчилардан бўлиб Пороҳдан фойдаланганлиги», уни тайёрлайдиган ашённинг олиб юришида (Марсел Брион), аскарлар учун нафақалар тайинлашни жорий этишида, ҳарбий қисмларда экинчилар қисмларини жорий этишида, ҳарбий санъатни мукаммаллаштиришида кўринади.

8.Амир Темур ўз даври шарт-шароитига кўра ташқи сиёсатда қатъий, фаол ҳамда мақсадга мувофиқ ҳаракат қилиб салтанатни, нуфузи ҳамда қудратини жаҳон миқёсига олиб чиқди. «Давлат ишларининг тўққиз улушини кенгаш, тадбир ва машварат қолган бир улушини қилич билан амалга оширдим»- деган сўзлари бунинг исботидир.6

Қўшни давлатлар билан ҳамкорлик қилмасдан истиқбол бўлмаслигини англаб етиб Англия, Испания, Франция давлатлари, Хитой каби давлатлар билан фаол дипломатик алоқалар ўрнатган.

9.Бунёдкорлик соҳасидаги тарихий хизматлари ҳам жуда буюқдур. У юзлаб мадрасалар, масжид ва хонақолар, кўприк ва каналлар, боғлар, мақбаралар

қурдирганки, уларнинг кўплари ҳозир ҳам шаҳарларимизни беэаб, инсонларни лол қолдириб турибди. «Агар бизни қудратимизни билмоқчи бўлсангиз, қурган биноларимизга боқинг» - деб сарой пештоқига ёздирган сўзлари ҳам буни тасдиқлайди. Бундай «яратувчилик фаолияти фақат ўзи туғилиб ўсган Мовароуннаҳрдагина эмас, Хуросонда ҳам, Мўғон дашти ва Қобул хавзаси ва бошқа олис жойларда ҳам улкан суғориш иншоотларини қурдирган» (В.В. Бартольд). Шунинг учун ҳам унинг фаолияти илк тадқиқотчилари бўлган Европалик олимлар, жумладан, Фридрих Шлоссер (1776-1794) ўзининг «Ялпи тарих» асарида у «омадли жангчи дунёнинг янги ҳукмдори, тактик ва стратегик билимларни уйғунлаштирган зот» - деб баҳо берганлар.

10. Амир Темур бир ҳақиқатни англаб етганки, жамият эътиқодсиз яшай олмайди. Одамларга дин, эътиқод, имон-ишонч керак. Тузуқларда: «Ҳар ерда ва ҳар вақт Ислом динини қувватладим. Мен шундан таскин топаманким, подшоҳлик давримда кучлиларнинг ожизларга озор беришларига йўл қўймадим».7

11. Қонунчилик фаолияти борасида ҳам Амир Темур жаҳон ҳукмдорларига андоза бўладиган мавқеини эгаллаган. Буни инглиз олими Жон Локк берган қуйидаги юқори баҳо билан асослаш мумкин. Амир Темур чиқарган қонунлар, аввало, барча табақалар тинчлиги, фаровонлиги энг муҳими ҳар-бир инсоннинг ташаббус ва қобилиятларини юзага чиқаришга хизмат қилишга аҳамиятли эди деган эди, - инглиз файласуфи Жон Локк. 8

“Индиана Жонс Ўзбекистонда” номли фильмни сценарийсини ёзганлар, уни суратга олганлар Амир Темур фаолиятига бир томонлама ёндашмасдан, юқоридаги буюк олимларнинг фикрлари билан ҳам танишиб, ундан кейин фильм яратганларида яхши бўлармиди. Тўғри Амир Темурнинг баъзи ҳаракатларини оқлаб бўлмас. Тўғри Соҳибқирон энг аввало жангчи, саркарда эди, яна шуни унутмаслигимиз керакки, унинг замонасини ўзи ҳам шавқатсиз эди.

12. Энди Европаликлар “Конституциявий ҳужжат” деб баҳолаган “Темур тузуқлари” тўғрисида қисқача гапирсак:

1. Уни дастлаб Абу Толиб ал Ҳусайний ат Турбатий (1625 йил Техронда в/эт). асли туркий (чиғатой) тилидаги матнини Макка ва Мадинага ҳажга борганида Яман подшоси (Яманда 1616 йилгача ҳукм сурган) Жаъфар подшонинг кутубхонасидан топган Абу Толиб китобни туркий тилдан ўша даврда Ҳиндистонда кенг қўлланилиб турган форс тилига таржима қилиб Шоҳ Жаҳоннинг отаси Нуриддин Жаҳонгирга (1605-1627) тақдим қилган.

2. Отасидан кейин Ҳиндистонда ҳукм сурган Шоҳ Жаҳон (1627-1658) саройда хизматда бўлган мансабдорлардан, келиб чиқиши бўйича А.Темурга саккизинчи даражада набира ҳисобланган Муҳаммад Афзал бин Тарбиятхон Бухорийга 1637 йилда «бу кичикроқ чиқибди, унга «Зафарнома»дан бироз кўш», у билан мос келишини текшириб чиқиб қўшимчалар киритишини топширган.

3. Ҳ.Бобобеков, Ҳ. Бобоев ва А. Қуронбековлар ана шу қўшимчалар киритилиб кенгайтирилган қайта ишланган нусхасини Петербург кутубхоналаридан топиб келиб “Қиссаи Темур” (ёки “Мафрузоти Темурий”) номи билан 2000 йилда таржима, таҳрир ва табдил қилиб факсимелияси билан нашр эттирдилар.9 (-Тошкент:ТДЮИ, - 1107 бет).



4. Тузуклар жаҳон кезди. У турли тилларга қайта-қайта таржима қилинди. Дастлаб 1779 йилда Ҳиндистонда хизматда бўлган инглиз офицери майёр Дэви уни Англияга олиб келган. Майор Уайт эса уни форсча матнини нашрга тайёрлаган. Майор Дэви 1783 йилда Оксфордда уни инглиз тилида нашр этган. Бу ҳажми кичик нусха айнан Турбатий топиб уни форс тилига ўгирган асл тузуклардир.

5. Манба яна 1766 йилда форс тилига таржима қилинган 1858 йилда Хивада Паҳлавон Ниёз Девон ўзбек тилига ўгирган.

6. “Правда Влстока” газетасининг 1936 йил 23 июль №169 сонидаги хабарга кўра тузукларнинг нусзалари йиғиб олинган Шўролар даврида нима бўлгани номаълум, бу ҳақда бошқа ишларимизда ҳам ёзган эдик.¹⁰

Буюк Соҳибқироннинг серқирра фаолияти борасидаги фикрлар қисқача ана шулардан иборат дейишимиз мумкин.

Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар:

- 1 Вамбери Х. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. –Тошкент, 1990.
- 2 Комилов Н. Тафаккур қарвонлари. –Тошкент:Шарқ, 2011.
- 3 Ҳофиз Хоразмий. Девон. Икки жилдлик//Нашрга тайёрловчи проф. Ҳамид Сулаймон. –Тошкент:Ўзбекистон, 1984.
- 4 Темур тузуклари. –Тошкент,1996. 72-б.
- 5 Руи Гонсалес Клавихо. Самарқандга Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403-1406) рус тилидан ўзбек тилига проф.О.Тоғаев таржимаси. - – Тошкент:Ўзбекистон, 2010. -174 б.
- 6 Темур тузуклари. –Тошкент,1996. 24-25 б.
- 7 Темур тузуклари. –Тошкент,1996. 72, 81,87 б.
- 8 Керен Люсьен, Саидов Акмал. Амир Темур ва Франция//Тўлдирилган ва қайта ишланган иккинчи нашри. –Тошкент:Адолат, 2016. -560, 121, 122, 123, 131, 133 бетлар.
- 9 «Қиссаи Темур» (Малфузоти Темурий). –Тошкент, 2001.
- 10 Қаранг:Зиёдулло Муқимов. Амир Темур ва Темурийлар давлати ва ҳукуқи. – Тошкент:Наврўз, 2020. 57 б.